



«GROTIUS CHAMBERS» ХАЛҚАРО ЮРИДИК ВА КОНСАЛТИНГ ФИРМАСИ
Нидерландия Қироллиги

ва

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
Ўзбекистон Республикаси

ўртасида

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

А. Томонлар

«Grotius Chambers» халқаро ҳуқуқ ва консалтинг корхонаси, почта манзили: Гаага шаҳри, Доктор Куйперстраат 5 кўчаси, 2514 БА, Нидерландия. Савдо-саноат палатасидан 72984317 рақамли КвК остида рўйхатдан ўтган, ҳамкор жаноб Томас Жон ва ҳамкор Марин Вайсиер хоним вакиллигида.

[«Grotius Chambers»]

ҲАМДА

Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ), Ўзбекистон Республикасида юристларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича асосий олий ўқув ва илмий муассаса. Асосий фаолият манзили: Сайилгоҳ 35 кўчаси, Тошкент 100047, Ўзбекистон.

[«ТДЮУ»]

В. Меморандумнинг мақсад ва вазифалари

1. Ушбу англашув Меморандумига мувофиқ томонлар қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилишларини ҳужжатлаштиради:

а. Юридик ва бизнес маслаҳат хизматлари, шу жумладан кўшма бепул юридик клиникаларни яратиш;

б. Низоларни муқобил ҳал қилиш бўйича воситачилик ва бошқа хизматлар, шу жумладан ТДЮУ қошида медиация марказини яратиш ва кўшма бизнес-медиация хизматларини кўрсатиш;

в. Юридик техник хизматлар, шу жумладан оммавий реестр ва блокчейн каби янги технологияларга асосланган ҳуқуқий ечимларни ишлаб чиқишда маслаҳат бериш;

г. “Grotius Chambers” томонидан юридик талабалар ва ҳалқаро ҳуқуқ бўйича ёш мутахассислар учун ўқув ва таълим дастур курсларини ташкил этиш;

2. Ушбу англашув Меморандуми ҳеч бир моддаси бир томон бошқа томоннинг агенти ёки ушбу бошқа томон номидан ёки унинг ҳисобидан иш юритишга руҳсат бериш ҳуқуқи сифатида талқин қилинмаслиги керак.

3. Ушбу англашув Меморандуми солиқ ёки молиявий мажбуриятларни яратмайди. Харажатларни қоплаш, маблағ ёки хизматларни жалб қилишни уриниш ҳолатларида, томонларнинг алоҳида келишув ёки шартномаларида белгиланади.

4. Ушбу Меморандум томонларнинг бошқа давлат ёки хусусий идоралар, ташкилотлар ёки шахслар билан шу каби битимларда иштирокини ҳеч қандай тарзда чекламайди.

5. Ушбу Меморандумнинг амал қилиш муддати у кучга кирган кундан бошлаб чекланмаган.

6. Ушбу Меморандум эксклюзив ҳисобланмайди.

С. Томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи тамойиллар

7. Томонлар орасидаги муносабатлар профессионалдир. Хар бир томон:

а. иккинчи томонни ҳурмат қилади ва унинг билим, тажриба ва маслаҳатларини кадрлайди;

б. томонлар боғлиқ ҳисобланади ва доим касбий ҳамда ахлоқий қоидаларга риоя қилади;

- в. доимо профессионал, астойдил ва виждонан ҳамкорлик фаолиятини юритади;
- г. самимият ва ҳамкорликка асосланган муносабатлар куриш мажбуриятини олади;
- д. виждонан ва ўзаро муносабатлар учун фаолият юритади;
- е. тортишувлар келиб чиқишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар қандай ташвишли масала борасида дарҳол хабардор қилади;
- ё. ваколат ва юридикциянинг ҳар қандай чегараларини тан олади;

8. Ушбу Меморандумдаги ҳеч бир модда томонларнинг эркинлигини йўқотишга олиб келмайди.

Д. Ҳамкорлик тартиби

9. Ушбу Меморандум доирасида томонлар реклама ва маркетинг ҳаракатлари орқали ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

10. Ҳамкорликни бошлашдан олдин Томонлар ушбу ҳамкорликнинг асосларини ва ҳар бир Томон бажариши керак бўлган ишларни муҳокама қилишади ва келишадилар. Томонлар муҳокама натижаларини ёзма равишда, шу жумладан электрон почта орқали билдирадилар.

Е. Ҳамкорлик

11. Томонлар лойиҳалар бўйича ҳамкорлик қилишлари мумкин. Томонлар:

- а. бир-бирларини тегишли лойиҳаларда ҳамкорлик қилишга таклиф қилиши мумкин;
- б. лойиҳаларда ҳамкорлик қилишга келишишдан олдин, томонлар керакли тажрибаси ва етарлича вақтини ҳисобга олишлари керак;
- в. тўловлар мавжуд бўлган ҳолда, улар борасида келишиши керак.

12. Томонлар қуйидагилар бўйича ҳамкорлик қилишлари мумкин:

- а. Pro bono йўналишида ТДЮУ юридик клиникаси орқали ҳамкорлик;
- б. ТДЮУ қошидаги медиация марказини яратишда кўмаклашиш;
- в. Талабаларни ўқитиш, амалиёт ва кўшма семинарлар ташкил этиш;

г. Қўшма тадқиқотларни ўтказиш ва тадқиқот натижаларини нашр этиш учун тармоқ яратиш;

д. ТДЮУ ва Европа иттифоқи университетлари ва уларнинг юридик клиникалари билан ҳамкорлиғни ривожлантиришга кўмаклашиш.

Ғ. Маркетинг ва ривожлантириш

13. Томонлар ўзаро муносабатларни қуйидагилар ёрдамида ривожлантиради:

а. веб-сайт, ижтимоий тармоқлар ва бошқа мавжуд тармоқлар билан чекланмаган ҳолда, бир-бирларини ҳуқуқ соҳасидаги “Ҳамкор” (ёки шунга ўхшаш) сифатида эслатиб ўтиш,

б. Ўзаро қўллаб-қувватлаш, ҳамда молиявий ресурслар мавжуд бўлган ҳолда, ҳар икки томонни тарғиб қиладиган ёки қизиқтирадиган тадбирларни ташкиллаштиришда иштирок этиш.

14. Томонлар ўз номларини турли платформа ва турли мақсадларда фойдаланиши ҳақида келишишлари мумкин. Бу турдаги келишув алоҳида ҳужжатда кўрсатилиши керак.

Ғ. Қўшимча ҳуқуқ ва мажбуриятлар

15. Томонлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишлари шарт.

16. Томонлар манфаатлар тўқнашувига олиб келиши ёки унинг ахлоқ қоидалари ёки тамойилларига зид бўлиши мумкин бўлган лойиҳа ёки масала бўйича ҳамкорлик қилишни рад этиши керак.

17. Ҳар бир томон ушбу Меморандумнинг шартлари ва ушбу Меморандумга мувофиқ тузилган бошқа ҳар қандай келишувлар шартларини бажарилишини таъминлаш учун оқилона ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Н. Мукофотлаш

18. Агар томонлар лойиҳа ёки иш учун тегишли ҳақ тўлаш тўғрисида келишиб олсалар, унда мукофот пуллари:

а. тегишли солиқ компонентини кўрсатиши керак;

б. фақатгина ҳисоб-рақами орқали тўланиши зарур;

N. Ўзгартиришлар

32. Ушбу меморандумга ўзгартиришлар киритишни исталган вақтда муҳокама қилишлари мумкин. Муҳокамалар виждонан ўтказилиши керак.

33. Ушбу меморандумга ҳар қандай ўзгартиришлар ёзма равишда киритилиши керак.

34. Ўзгартиришлар ўзгартириш кунидан бошлаб кучга киради.

O. Кўриб чиқиш

35. Ушбу меморандум томонлардан бирининг сўровига асосан кўриб чиқилиши мумкин.

P. Кучга кириш санаси

36. Ушбу меморандум томонлар томонидан имзоланган санадан кучга киради.

37. Томонлар бир вақтнинг ўзида имзоланмаган ҳолатда, меморандум охириги имзоланиш санасидан кучга киради. Электрон имзоларга рухсат берилади.

38. Ушбу меморандум инглиз ва ўзбек тилида иккита бир хил нусхада тузилган.

**«GROTIUS CHAMBERS» ХАЛҚАРО ЮРИДИК
ВА КОНСАЛЬТИНГ ФИРМАСИ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК
УНИВЕРСИТЕТИ**



Марин Вейсбер
ҳамкор

17/12/20
Сана

Профессор Раҳимжон
Ҳақимов Сана
Ректор
Тошкент давлат юридик
университети



Томас Джон
ҳамкор

17.12.2020
Сана